

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2022 йил ноябрь ойининг 11 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: суд раиси [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилояти Чиноз туман прокурори катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] манфаатида Тошкент вилояти, Чиноз тумани “CHINOZ ADVOKATLARI” адвокатлик фирмаси адвокати [REDACTED], судланувчи [REDACTED] манфаатида Андижон вилояти, Андижон шаҳар “YURIDIK XIZMAT” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан судланувчи [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди Х.Турғуновларга оид № 1-1115-2201/214-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи

[REDACTED], 1985 йил 3 июлда Андижон вилояти, Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласидан ажрашган, қармоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор ва 1 нафари ногирон, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳрида жойлашган “Насибахон Бест Вест” хусусий корхонаси раҳбари бўлиб ишлайди, Андижон вилояти, [REDACTED]-уйда яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда ЖПКнинг 227-моддасига асосан 2022 йил 11 августда ушланган ва суд ажримига асосан эҳтиёт чораси қамокқа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 7 сентябрда олган, соғлом.

Судланувчи

[REDACTED] 1988 йил 9 августда Андижон вилояти, Избоскан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, 2017 йилда Фарғона Давлат университетини тугатган, оилали, 4 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Олтинкўл туман судининг 2019 йил 31 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2020 йил 15 ноябрь куни қўшимча жазо муддати тўлиқ ўталган, Андижон вилояти жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2021 йил 28 январдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси ЖК 78-моддасининг “в” бандига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Андижон вилояти, Андижон шаҳар ХТБга қарашли 34-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди, Андижон вилояти, [REDACTED]-хонадонда яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда ЖПКнинг 227-моддасига асосан 2022 йил 11 августда ушланган ва суд ажримига асосан эҳтиёт чораси қамокқа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 7 сентябрда олган, соғлом.



Суд, суд мажлисида текширилган далиллар асосида куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчилар [REDACTED] ўзгалар мулкини ноқонуний кўлга киритиш мақсадида, бошқа шахслар иштирокида гуруҳ ҳолда олдиндан тил бириктириб, 2022 йилнинг май ойида Америка Қўшма Штатлари пул бирлиги бўлган қалбаки 1.000.000 АҚШ доллар миқдордаги чет эл валютаси ўзларида борлигини фуқаро [REDACTED] айтиб ва унинг ишончига кириб, унга 1.000.000 АҚШ долларлик купюраси фото суръатини “Telegram” мессенжерига ташлаб бериб, ушбу 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани 350.000 АҚШ долларига сотишини маълум қилиб, пул олди-бери масаласи юзасидан Тошкент вилояти, Зангиота туманига қарашли “Чинни бозори” олдида кўришишга келишади.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро [REDACTED] ушбу ҳаракатлар ноқонуний эканлигини билиб, бу тўғрисида 2022 йил 7 май куни Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб ва аризасида ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] ва унинг жиний шериклари қалбаки 1.000.000 АҚШ доллар купюралик пул маблағини, сертификати билан фото суратини ўзини уяли алоқасида мавжуд бўлган “Telegram” мессенжерига ташлаб бериб, ушбу 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани 350.000 АҚШ долларига сотишларини ва ўзлари Тошкент вилояти, Зангиота туманига қарашли “Чинни бозор” олдида олиб келиб беришларини айтаётганлиги ва уларга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

Шундан сўнг фуқаро [REDACTED] аризага асосан 2022 йил 7 май куни соат 10:00 ларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан махсус тадбир белгиланиб, унга кўра баённомада серия ва рақамлари қайд қилинган 100 АҚШ доллари купюрадаги 2.200 АҚШ доллари ҳамда муляж 1.088 дона 100 АҚШ доллари купюраларидан иборат жами 110.000 АҚШ доллари [REDACTED] берилиб, [REDACTED] Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган “Чинни бозори” олдида [REDACTED] 110.000 АҚШ доллар (*банк маълумотида кўра 2022 йил 7 майда 1 АҚШ доллари 11.115.90 сўмга тенг бўлган ҳолда 1.222.749 сўм*) ини 1.000.000 АҚШ долларини сотиб олиш учун берган вақтида, [REDACTED] ушланиб ва улардан 110.000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олиниб, улар фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан фуқаро З.Ахадованинг жуда кўп миқдорда бўлган мулкини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра кўлга киритишга суиқасд қилганлар.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, фрибгарлик жиноятини содир қилиш жиноятига иқрор бўлиб ва қалбаки АҚШ долларини ўтказиш жиноятини содир қилмаганлиги, 2022 йил март ойида Тошкент шаҳрига иши билан келиб ва Чилонзор туманидаги “Абу-Сахий” савдо бозорида [REDACTED] билан танишиб қолиб, ўзаро суҳбатларида унга бир танишида 1.000.000 купюралик АҚШ доллари борлигини айтганлиги, [REDACTED] ундан 1.000.000 АҚШ долларлик купюра неча сўмдан сотилишини сўраганида, унга танишларидан сўраб ва 1.000.000 АҚШ долларлик купюра 350.000 АҚШ долларига сотилишини айтганлиги, сўнгра унга [REDACTED] 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани олиб келишини ва сотиб олишини айтганлиги, Тошкент шаҳридан Андижон шаҳрига қайтиб кетгандан сўнг [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб ва 1.000.000 АҚШ доллар купюрани олиб келишини сўрайверганлиги, 2022 йил апрель ойи охирида шифохонадан чиқиб уйига кетиш учун “Яндекс” орқали чақирган бир такси “Нексия” русумли автомашинани олди жойига ўтириб кетаётганида Тошкент шаҳридан [REDACTED] телеграм ижтимоий



тармоғига жўнатган овозли ёзувини очиб эшитганида, ундан 1.000.000 АҚШ доллар купюрани қачон олиб келишини сўраганлиги, уни овозини такси ҳайдовчиси кейин билган [REDACTED] эшитиб ва у уни сўраётган 1.000.000 АҚШ долларлик купюра ўзини бир танишида борлигини, хоҳласа олиб беришини айтганлиги, шунда унга керак бўлса телефон қилишини айтиб ва телефон рақамларини олишиб автомашинасидан тушиб кетганлиги, 2022 йил 5 май куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб ва ундан 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани таниши неча сўмга сотишини сўраганлиги, [REDACTED] бироздан сўнг унга телефон қилиб, таниши [REDACTED] исмли киши 200.000 АҚШ долларига сотишини айтиб ва уни телеграммига 1.000.000 АҚШ доллари купюрасини ва сертификат қоғозини расмини ташлаганлиги, шундан сўнг [REDACTED] кўнғироқ қилиб 200.000 АҚШ доллари эканлигини айтиб ва уни телефони телеграммига 1.000.000 АҚШ доллари купюрасини ва сертификат қоғози расмини ташлаганлиги, [REDACTED] унга 350.000 АҚШ доллари беришини ва ҳеч иккиланмасдан Тошкент шаҳрига олиб келишини айтиб ва ундан қачон келишини сўраганида, унга 2022 йил 7 май куни эрталаб Тошкент шаҳрига боришини айтганлиги, кейин 6 май куни соат 17 ларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб ва ундан таниши [REDACTED] билан учраштиришни сўраганлиги, [REDACTED] рози бўлиб уни “Нексия” русумли автомашинасида иккаласи бориб ва Андижон шаҳрида [REDACTED] билан учрашиб, унга ўзини таништириб ва Тошкент шаҳрида яшовчи таниши ундаги 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани сотиб олишини айтганлиги, [REDACTED] бу пул ўзида эмаслигини ва таниши Андижон вилоятига келиб уни олиб кетиши мумкинлигини айтганлиги, кейин телеграммдан [REDACTED] Андижон вилоятига келишини айтганида, у вақти йўқлигини ва ўзи Тошкентга олиб келишини, унга йўл ҳақини ҳам беришини айтганлиги, шундан 6 май куни соат 24 ларда [REDACTED] “Нексия” русумли автомашинасида уни икки ўртоғи билан бирга Тошкент шаҳрига йўлга чиқишиб ва 2022 йил 7 май куни эрталаб Тошкент шаҳрига кириб келишганлиги, кейин 3.Ахатовага телефонда қаерда кўришини сўраб ва 3.Ахатова Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги “Чинни бозори” олдидаги автомашиналар тўхташ жойи ёнида йўлда учрашишга келишганлиги, шундан [REDACTED] “Нексия” русумли автомашинасида шу куни соат 10 ларда Зангиота туманидаги “Чинни бозори”ни автомашиналар тўхташ жойи олдида боришиб ва [REDACTED] билан телефонлашиб йўлда учрашганлиги, кейин [REDACTED] ва уни ўртоғи, ўзи бирга [REDACTED] автомашинасига ўтиришганлиги, [REDACTED] булар пулни эгалари деб таништирганида, у уларни танимаслигини айтиб ва автомашинасидан тушириб юборганлиги, ўзи [REDACTED] автомашинасида қолиб ва унга 2022 йил март ойида қарзга олган 100 АҚШ долларини қайтариб берганлиги, [REDACTED] 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани ва қоғозини таниши Андижондан олиб келаётганини ва у пулни кўрса беришини айтганлиги, шунда [REDACTED] унга 110.000 АҚШ долларини бериб ва қолганини таниши 1.000.000 АҚШ долларини олиб келса беришини айтганлиги, [REDACTED] автомашинаси ичида 110.000 АҚШ долларини олган пайтида уларни ёнига хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб келган орган ходимлари текширув эълон қилишиб ва ундан пулни олиш мақсадини сўрашганда, уларга бўлган ҳолатни тўлиқ айтиб берганлиги, орган ходимлари икки нафар холислар иштирокида ундан санашиб 22 дона 100 купюралик 2.200 АҚШ доллари ҳақиқий ва 1.088 дона 100 купюралик 108.800 АҚШ доллари муляж серия рақамлари ёзилган жами 110.000 АҚШ долларини олишганлиги, шундан сўнг уни, [REDACTED] ва ўртоғини Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси биносига олиб боришганлиги, у ерда бўлган ҳолатларни тўғри ёзиб беришганлиги, бундан ташқари унга қўйилган айблов бўйича ДХХга мурожаат қилган [REDACTED] аризасида кўрсатилган ҳолатда унга 2022 йил январь ойида 4 дона қалбаки 50 купюралик АҚШ долларини бермаганлиги,



■ судда берган кўрсатуви бўйича ҳақиқатдан ҳам 2022 йил январь ойи кунларида кечки пайти Андижон шаҳрида танишлари Али ва Зиёд билан ■ билан йўлда учрашганида, ■ ўзи Зиёд билан гаплашганлиги, ўзи эса четда турганлиги, улар нима ҳақда гаплашганини эшитмаганлиги, ■ унга 1.100.000 сўм бериб ва уни Зиёдга беришни айтганлиги, пулни нимага берганини билмаганлиги, шундан кетишда пулни Зиёдга берганлиги, Зиёдни Ў.Ходжимаровга қалбаки долларни берганини кўрмаганлиги, бу ҳолат бўйича уни терговда сўроқ қилмаганлиги ва ■ билан юзлаштирмаганлиги, ■ билан қалбаки АҚШ доллари тўғрисида гаплашмаганлиги ва умуман бундай ишларга аралашмаганлиги, “Али” исмли шахсни Андижон шаҳаридаги “Дехқон” бозорида валюта сотиш ва олиш билан шуғулланишини билсада, лекин у билан қалбаки АҚШ долларини олди-бердиси билан шуғулланмаганлиги, қалбаки АҚШ долларини сотиш бўйича айби йўқлиги, ■ 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани ■ борлигига ишониб ва уни сотиб ■ иккаласи фойда қилишмоқчи бўлганлиги, 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани аслинини кўрмаганлиги, ҳозирда қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, оилавий аҳволи оғирлигини, қарамоғида вояга етмаган 3 нафар фарзандлари бўлиб ва бири туғма ногирон эканлигини, уларни ўзидан бошқа боқувчиси йўқлигини ҳисобга олиб, жазо тайинлашда енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи ■ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, Андижон шаҳрида бир мактабда иишлаган ■ танишлиги, мактабдан бўш пайтларида одам ташиб киракашлик қилиб турганлиги, 2022 йил 1 май куни соат 19 ларда ўзини “Нексия 2” русумли, ■ давлат рақамли автомашинасида киркашлик қилиб юрганида, уни “Яндекс” орқали чақирган кейин билган ■ Андижон шаҳридаги шифохона олдидан айтган жойига олиб боришга ўтказганлиги, йўлда кетишда уни телефонига таниши ■ кўнғироқ қилиб ва унга 1.000.000 АҚШ долларлик купюраси борлигини, уни 200.000 АҚШ долларига сотмоқчи эканини айтиб, уни сотиб олувчи танишлари бор ёки йўқлигини сўраганлиги, ■ танишлар бўлса хабар беришини айтганлиги, шу пайтда автомашинаси олди жойида ўтирган ■ унга автомашинасини тўхтатишни айтиб ва автомашинадан тушиб телефонида гаплашиб келиб, унга 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани сотиб оладиган таниши борлигини айтганлиги, ■ манзилига етиб ва автомашинасидан тушишда телефон рақамини бериб ва уни рақамини олиб кетганлиги, кейинги куни соат 10 ларда ■ унга кўнғироқ қилиб ва ундан танишидаги 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани сўраганлиги, унга Э.Азимов билан гаплашишини айтганлиги, ■ кўнғироқ қилиб ва унга айтган 1.000.000 АҚШ долларига харидор топганини айтганида, ■ харидори ишончли бўлса, 2022 йил 5 май куни соат 22 ларда Андижон шаҳридаги “Пиёзпоя” МФЙда гаплашишини айтганлиги, буни ■ айтганида розиб бўлиб ва у билан бирга 2022 йил 5 май куни кеч пайти ■ билан Андижон шаҳридаги уни айтган жойида учрашганлиги, ■ 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани кўришини сўраганида, ■ АҚШ доллари ўзида эмаслигини ва уни сотиб олмоқчи бўлган кишига кўрсатишини айтиб ва улар ■ “Матиз” русумли автомашинасида ўтириб гаплашганлиги, уларни гапини эшитмаганлиги, Н.Рахимова қайтиб келиб ва уни “Нексия” русумли автомашинасига ўтириб, унга Тошкент шаҳрига олиб боришини, у ерда танишига 1.000.000 АҚШ доллари купюраси тасвирини кўрсатишини ва уни пулни борлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ■ АҚШ долларини Тошкентга олиб бориши кераклигини айтганлиги, шундан 2022 йил 6 майдан 7 майга ўтар кечаси ўзини “Нексия” русумли автомашинасида



██████████ ва ўзи иши билан кетаётган бир ўртоғини ўтказиб Тошкент шахрига йўлга чиқишганлиги, йўлда кетишда ██████████ телефонидан бир аёлга қўнғироқ қилиб ва унга Андижон шахридан Тошкентга йўлга чиққанлигини, эрталаб етиб боришларини ва 350.000 АҚШ доллариини тайёрлаб туришини, бу пулни видеога тушириб ва шерикларига ташлаб берганидан сўнг 1.000.000 АҚШ долларлик пулни олиб келиб беришларини айтиб гаплашганлиги, 2022 йил 7 май куни соат 8 ларда Тошкент шахрига кириб келганида, ██████████ аёл танишига қўнғироқ қилиб ва улар Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган “Чинни бозори”ни автомашиналар тураргоҳида учрашишга келишганлиги, кейин автомашинасини бошқариб “Чинни бозори”ни олдига бориб ва катта йўлни четига тўхтаганлиги, ██████████ таниши кейин терговда билган ██████████ телефон қилиб ва бозорни автомашиналар турар жойига келишини ва қаймоқ рангли “Эпика” русумли автомашинада эканини айтганлиги, автомашинасидан тушиб ўзи, дўсти ва ██████████ “Эпика” русумли автомашинага бориб ўтирганида, ██████████ уни ва дўстини танимаслиги айтиб автомашинасидан тушириб юборганлиги, бориб “Нексия 2” русумли автомашинасида ўтирганида, орадан кўп вақт ўтмасдан уларни Прокуратура Департаменти Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари келиб ушлашганлиги, ██████████ 110.000 АҚШ долларини олганда ушланган бўлиб ва ундан АҚШ доллари баённома тузилиб олинганлиги, уларни Департамент биносига олиб боришиб ва у ерда бўлган ҳолат бўйича тушунтиришлар ёзишганлиги, ҳозирда ██████████ билан бирга 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани сотмоқчи бўлиб қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, оилавий аҳволи оғирлигини, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳисобга олиб, жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ ██████████ суд мажлисида, 2022 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги “Абу-Сахий” савдо бозорида Андижонлик ██████████ билан танишганлиги, шундан кейин у билан ўзаро гаплашиб юриб ва муносабатлари яхши бўлиб қолганлиги, ██████████ 2022 йил март ойида Тошкентга келганида ундан қарзга 100 АҚШ доллари олганлиги, ██████████ унга танишларида 1.000.000 АҚШ долларлик купюралар пул борлигини, уни сотиш кераклигини, агар хоҳласа олиб беришини айтганлиги, шунда бу пулни кўриши кераклигини айтганлиги, шундан сўнг Н.Рахимов Андижонга қайтиб кетиб ва уни телефони телеграммига 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани ва сертификат қоғози расмини ташлаганлиги, уни кўриб ва телефондан 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани қанча сўмлигини сўраганида, Н.Рахимова 400.000 АҚШ доллари эканлигини айтганлиги, унга бунча пули йўқлигини айтганида, Н.Рахимова 350.000 АҚШ долларига олиб беришини айтганлиги, кейин танишларидан сўраганида, 1.000.000 АҚШ доллари купюрадаги пуллар муомалада йўқлигини айтганлиги, шундан сўнг ██████████ таклифи ноқонунийлигини билиб ва ундан 1.000.000 АҚШ доллари купюрасини 350.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, 2022 йил май ойи бошларида унга нисбатан қонуний чора кўриш учун Прокуратура департаменти Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғига ариза ёзиб ва сотиб олиш тадбирида ўзи иштирок этишини сўраганлиги, тадбирда ██████████ 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани 350.000 АҚШ долларига сотиб олиши учун унга Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармасининг махсус жамғармасидан 110.000 АҚШ доллари, яъни ҳақиқий 2.200 АҚШ доллари ва қолгани муляж 1.088 дона 100 купюралик 108.800 АҚШ доллари серия рақамлари ёзилган ҳолда ҳолислар иштирокида баённома ёзиб беришганлиги, шундан сўнг телефон орқали ██████████ 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани 350.000 АҚШ долларига сотиб олиши учун Тошкентга келишини айтганлиги, кейинги куни ██████████ кечаси йўлга чиқишини ва 2022 йил 7 май куни эрталаб Тошкентда



бўлишини айтганлиги, шу куни эрталаб [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб Тошкентга келганини айтганида, унга Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган “Чинни бозори” олдидаги автомашиналар турар жойига келишини айтганлиги, шундан 2022 йил 7 май куни соат 10 ларда “Чинни бозори” олдида ўзини “Эпика” русумли автомашинасида бориб ва [REDACTED] телефонига кўнғироқ қилиб, унга кўлини кўтариб йўл четида турган автомашинасига келишини айтганлиги, [REDACTED] ва уни ёнида иккита йигитлар келишиб, уни автомашинасига ўтиришганлиги, [REDACTED] унга бу йигитлар пулларни эгасилигини айтганлиги, шуна иккита йигитни танимаслигини айтиб ва уларни автомашинасидан тушириб юборганлиги, кейин автомашинаси ичида [REDACTED] унга илгари олган қарзи ҳисобига 100 АҚШ доллар купюрани берганлиги, [REDACTED] автомашинаси ичида турган тадбир учун тақдим этилган 110.00 АҚШ долларини берганлиги, [REDACTED] пулларни пачакада 110.000 АҚШ долларлигини санаб олиб ва ундан қолган пулни сўраганида, қолган пулларни ҳозир олиб келишини айтганлиги, [REDACTED] ҳам унга 1.000.000 АҚШ долларлик купюрани Андижондан танишлари олиб келаётганини айтганлиги, шундан сўнг уларни кузатиб турган Департамент ходимларга олдиндан келишилган ишорани берганлиги, тезкор ходимлар уларнинг олдида келишиб ва ўзларини таништириб, ҳолислар иштирокида уни автомашинаси ичида [REDACTED] уни берган 110.000 АҚШ долларини ушлаб турганда текшириш эълон қилиб ва ундан пулларни олишганлиги, кейин уларни Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармасига таклиф қилишиб, тезкор тадбирдаги ҳолатлар юзасидан баённома тузилганлиги, уларни имзоланганлиги, тушунтиришлар ёзиб беришганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ў.Ходжимаров суд мажлисида, 2021 йилнинг апрель ойида Андижон шаҳридаги банкда Н.Рахимова билан танишганлиги, шунда [REDACTED] ўзини исмини “Рустам” деб таништирганлиги, кейинчалик [REDACTED] билан яхши мунсабатда бўлиб, ўзаро бир-бирларидан пул қарз олди-берди қилиб юришганлиги, 2022 йилнинг январь ойида Андижон шаҳридаги шифохона олдида [REDACTED] ва унинг “Зиёд”, “Алижон” исмли танишлари билан кўришганлиги, ўзаро суҳбат давомида “Зиёд” унга эскирган ҳолатдаги 4 дона 50 АҚШ доллари купюрадаги жами 200 АҚШ долларини, яъни 100 долларни 60 доллардан арзон нархда 1.100.000 сўмга сотиб олишни таклиф қилганлиги, [REDACTED] ўша ерда туриб, уларнинг суҳбатига аралашмаганлиги, шунда “Зиёд” исмли шахснинг таклифига рози бўлиб, уни кўрсатмасига асосан 1.100.000 сўмни [REDACTED] берганлиги, шундан сўнг [REDACTED], “Зиёд” ва “Алижон” исмли шахслар номаълум томонга кетишиб, тахминан 30 дақидан кейин улар қайтиб келишиб, “Зиёд” ўзининг шимини чўнтагидан 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасида бўлган 200 АҚШ долларини унга берганлиги, шундан сўнг улар хайрлашиб кетишганлиги, кейин уйига бориб 4 дона 50 АҚШ долларини кўздан кечирганида, ушбу АҚШ доллари ҳақиқий эканлигига шубҳа қилганлиги, шундан сўнг ушбу АҚШ долларини валюта савдоси билан шуғулланувчи шахсларга кўрсатганида, улар ушбу АҚШ долларлари қалбаки эканлигини айтишганлиги, шундан тахминан 4-5 кундан кейин совуқ кунларда 2022 йил январь ойида ўзининг ишлари билан Тошкент шаҳрига борганида Ўзбекистон Республикаси ДХХ раиси номига ариза билан мурожаат қилиб, 4 дона 50 АҚШ долларини тезкор ходимларга тақдим қилганлиги, тергов даврида ушбу АҚШ долларлари қалбаки эканлиги аниқланганлиги, “Зиёд” исмли шахснинг фамилияси ва унинг яшаш манзилини билмаслиги, дастлабки тергов даврида ўзининг аризаси ва кўрсатувларида 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасидаги жами 200 АҚШ долларини айнан “Зиёд” исмли шахсдан сотиб олганлиги ҳақида кўрсатув берганлиги, дастлабки тергов даврида қандай кўрсатув берганлигини эслай олмаслиги ҳақида кўрсатув берди.



Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2022 йил 5 май куни Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ходимларининг таклифига кўра Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси биносига келиб, фуқаро [REDACTED] қалбаки чет эл валютасини қонунга хилоф равишда сотмоқчи бўлган “Насиба” ва “Али” исмли шахсларга қонуний чора кўришни сўраган аризаси бўйича тезкор-тадбир ўтказишда ўзи ва яна бир киши холис сифатида қатнашишга рози бўлганлиги, уларга холисининг ЖПКнинг 74-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, баённома тузилиб аризасини текшириш учун фуқаро [REDACTED] Департаментнинг махсус жамғармасидан ҳақиқий бўлган 22 дона 100 купюралик 2.200 АҚШ доллари ва муляж 1.088 дона 100 купюралик 108.800 АҚШ доллари, жами 110.000 АҚШ доллари серия рақамлари ёзилиб ва уларни суҳбатни ёзиб олиш учун диктафон берилганлиги, шундан сўнг [REDACTED] “Насиба” исмли шахсга уяли телефонидан кўнғироқ қилиб ва Тошкент шаҳридаги “Чинни бозори” олдида автомашиналар турар жойида учрашишга келишганлиги, шу жойга 2022 йил 7 май куни эрталаб уларни холислигида Департамент ходимлари билан бирга бориб ва кузатиб туришганлиги, шу куни соат 10 ларга яқин аризачи [REDACTED] “Чинни бозори” олдидаги автомашиналар қатнов йўлига ўзини автомашинасида келиб тўхтаб турганида, бир “Нексия” русумли автомашина ҳам келиб, ундан тушган кейин шахсини билган [REDACTED] автомашинасига ўтирганлиги, бироз вақт ўтиб [REDACTED] келишилган ишорани бергандан сўнг тезкор ходимлар билан бирга боришиб ва тезкор тадбир ўтказилаётганлигини эълон қилишиб, [REDACTED] уни автомашинасида ўтирган Н.Рахимова 110.000 АҚШ доллари олганликда ушланганлиги, Н.Рахимова бу пулни Андижон шаҳридан танишлари олиб келиши керак бўлган 1.000.000 АҚШ долларини сотиш учун олганлигини айтганлиги, кейин қора рангли “Нексия” русумли автомашинада ўтирган икки эркак киши ҳам ушланганлиги, улар бири кейин билган автомашина эгаси [REDACTED] билан бирга Андижон шаҳридан келганлигини ва [REDACTED] танишидан олган пулни видеога олиб ва жўнатгандан сўнг таниши Элмурод 1.000.000 АҚШ долларини Тошкент шаҳрига олиб келиши кераклигини айтганлиги, шундан сўнг уларни Департамент биносига олиб келишиб, у ерда ҳужжатлар расмийлаштириб ва ашёвий дилл 110.000 АҚШ доллари олинганлиги, ишга алоқадор бўлмаган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар эгаларига қайтарилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатуви суд мажлисида ўқиб эшиттирилди.

Булардан ташқари, судланувчилар [REDACTED] айбларига иқроп бўлиб ва фуқаро [REDACTED] фريبгарлик, яъни алдаш йўли 110.000 АҚШ долларини қўлга киритиш жиноятини содир қилган ҳаракатлари жиноят ишида мавжуд бўлган дастлабки суриштирув ва терговда тўпланган фуқаро [REDACTED] аризаси ва унга пул маблағларини кўздан кечириш ва тақдим қилиш банённомаси (ж.и. 1-ж. 4,6-7-в.), воқеа жойида ушлаш баённомаси (ж.и. 1-ж. 10-14-в.), юзлаштириш баённомалари (ж.и. 1-ж. 110-124-в., 2-ж. 5-19-в.), [REDACTED] тегишли “Редми нот 8” русумли уяли алоқа телефонида 1.000.000 АҚШ доллари купюрасини расми туширилганлиги бўлганлиги сабабли уни ўз ихтиёри билан топшириш ва олиш баённомаси (ж.и. 2-ж. 91-в.), “Редми нот 8” русумли уяли телефон аппаратини ашёвий далил тариқасида олиниб ва ишга қўшиш қарори ва фото иловаси (ж.и. 2-ж. 92-104-в) билан ҳам тўлиқ исботланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.



Ушбу модданинг 2-қисмига асосан, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88,90,92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этилган Қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда [REDACTED] жиноятни содир этганлик ҳолатлари бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмасдан, у асосиз равишда Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорини 2-бандига мувофиқ, далиллар мақбулликнинг шартлари қуйидагилар, яъни фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт. Судларга далиллар мақбулликига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

Ушбу Пленум қарорини 3-бандига биноан, ЖПК 95¹-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган қуйидаги ҳолларда, шу жумладан 5-қисмида белгиланган, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан; 6-қисмида белгиланган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, мақбул эмас деб топилади.

Ушбу Пленум қарорини 11-бандида белгиланишича, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд



далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддасига кўра, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасига асосан, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади. Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади. Суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди. Суднинг ҳукмда ифодаланган барча ҳулосалари асослантирилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида” 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарорининг 5-бандида, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, ҳукм ЖПКнинг 26,90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этилган Қонунлар ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига амал қилинмаган.

Суд, ушбу жиноят иши бўйича суд мажлисида сўралган судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларига ҳамда ишда тўпланган ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94,95,112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, яъни, суд мажлисида текширилган далилларни ҳамда дастлабки терговда тўпланган ҳужжатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, суд мажлисида дастлабки тергов органи томонидан Н.Раҳимова терговда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган “Али” исмли номаълум шахс билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2022 йил январь ойини бошларида ўзига олдиндан таниш бўлган Ў.Ходжимаровга АҚШ пул бирлиги ҳисобланган қалбаки 200 АҚШ доллари (4 дона 50 АҚШ долларлик купюралари)ни 1.100.000 сўмга сотиб ва қўлга киритган 1.100.000 сўмни ўзини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда қўйилган айбловни ўз исботини топмади деб ҳисоблайди.



Ишда аниқланишича, фуқаро [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ДХХ раисига номига “менга Андижон вилоятида яшовчи Али ва Насиба исмли шахслар чет эл валютасини сохтасини сотишини маълум қилди, шунда Али ва Насиба исмли шахслардан ўзимни ёнимда 1100000 сўм эвазига 4 дона 50 доллар купюрасини сохта купюрасини сотиб олдим, ушбу уларни ҳаракати ноқонунийлиги учун қонуний чора кўришни сўрайман ва шу сохта пул маблағларини аризамга илова қиламан ва дискга илова қиламан, аризамни сир тутилишида амалий ёрдам берилишини сўрайман” деб берган ёзма аризаси мурожаатлар билан ишлаш бўлимида 2022 йил 9 майда Х-2344 рақамда қайд қилинган (ж.и. 1-ж. 5-в.).

Аммо, ДХХ ва Департаментнинг тезкор тезкор бўлими ходимлари томонидан 2022 йил 7 май куни фуқаро Хаджиматов Ўткирбек Каримжонович аризасига илова қилинган 200 АҚШ долларини банкнотларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақида баённома тузилган бўлиб, унда 2022 йил 7 май куни ДХХ бошлиғига мурожаат қилинган фуқаро Ў.Ходжиматовнинг аризасига илова қилинган 4 дона 50 купюрадани иборат жами 200 АҚШ доллари олинганлиги қайд этилган (ж.и.1-ж. 8-9-в.).

Департаментнинг тезкор бўлими бошлиғи томонидан 2022 йил 7 майда қабул қилган қарорига асосан ашёвий далил сифатида олинган 200 АҚШ доллари (серия рақамлари ёзилган) 50 АҚШ доллари банкнотлари ҳақиқий ёки қалбакилигини аниқлаш бўйича судга оид техник экспертиза тайинланган (ж.и. 1-ж. 56-в.).

Терговчи томонидан 2022 йил 4 август куни тузилган гумон қилинувчини экспертиза қарори билан таништириш ҳақидаги баённомасига асосан гумон қилинувчи [REDACTED] суриштирувчининг 2022 йил 7 майда чиқарилган судга оид техник криминалистик экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарори билан таништирилган ва бу процессуал ҳаракатда унинг ҳимоячисини иштироки таъминланмаган (ж.и. 1-ж. 58-в.)

Судга оид техник криминалистик экспертизаси томонидан 2022 йил 16-май куни 20-сонда, 4 дона 50 купюралари АҚШ долларлари ҳақиқий эмаслиги ҳақида хулоса берган (ж.и. 61-65-в.).

Терговчи томонидан 2022 йил 4 август куни тузилган гумон қилинувчини экспертиза хулосаси билан таништириш ҳақидаги баённомасига асосан гумон қилинувчи [REDACTED] судга оид техник криминалистик экспертизасининг 2022 йил 16 майдаги 20-сонли хулосаси билан таништирилган ва бу процессуал ҳаракатда ҳам унинг ҳимоячисини иштироки таъминланмаган (ж.и. 1-ж. 67-в.).

Ишда аниқланган юқорида қайд этилган ҳолатларга кўра, дастлабки суриштирув органи томонидан мазкур иш бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозимлиги, ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкинлиги ҳақидаги талаблари бузилиб, фуқаро [REDACTED] томонидан “Али” ва “Насиба” исмли шахслар унга сохта 4 дона 50 купюралик АҚШ долларини сотганлиги ҳақида чора кўриш ҳақида ёзган жиноятга оид аризаси рўйхатга олинмасдан туриб, суриштирув ходимлари томонидан 2022 йил 7 май куни фуқаро Ў.Хожимаровдан ашёвий далил сифатида 4 дона 50 купюралик АҚШ доллари олинганлиги ҳақида баённома тузилган ва шу куни ушбу АҚШ долларлари бўйича



судга оид техник экспертизаси тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган. Ваҳоланки, фуқаро [REDACTED] томонидан “Али” ва “Насиба” исмли шахслар унга сохта 4 дона 50 купюралик АҚШ долларини сотганлиги ҳақида чора кўришни сўраб ёзган жиноятга оид аризаси 2022 йил 9 май куни 2 кундан сўнг рўйхатга олинган.

Бундан ташқари, дастлабки суриштирув органи томонидан гумонланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 179-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқлари бузилиб, [REDACTED] суриштирувчининг 2022 йил 7 майда ашёвий далил сифатида олинган 200 АҚШ доллари (серия рақамлари ёзилган) 50 АҚШ доллари банкнотлари бўйича судга оид техник экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори билан таништирилмаган.

Шунингдек, дастлабки терговда терговчи томонидан 2022 йил 4 август куни тузилган баённомасига асосан унга қадар 2022 йил 16 майдаги 20-сонли хулосаси олинган бўлсада, гумон қилинувчи [REDACTED] суриштирувчининг 2022 йил 7 майда чиқарилган судга оид техник криминалистик экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарори билан таништирилиб ҳамда ишда унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қатнашаётган адвокатини иштироки таъминланмасдан, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 148 ва 329-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилган.

Шу билан бирга, дастлабки терговда терговчи томонидан 2022 йил 4 август куни тузилган баённомасига асосан гумон қилинувчи [REDACTED] судга оид техник криминалистик экспертизасининг 2022 йил 16 майдаги 20-сонли хулосаси билан таништирилганда ҳам ишда унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қатнашаётган адвокатини иштироки таъминланмасдан, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 148-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилган.

Шунингдек, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] 2021 йилнинг апрель ойида 2022 йилнинг январь ойида Андижон шаҳридаги шифохона олдида [REDACTED] ва унинг “Зиёд”, “Алижон” исмли танишлари билан кўришганлиги, ўзаро суҳбат давомида “Зиёд” унга эскирган ҳолатдаги 4 дона 50 АҚШ доллари купюрадаги жами 200 АҚШ долларини, яъни 100 долларни 60 доллардан арзон нарҳда 1.100.000 сўмга сотиб олишни таклиф қилганлиги, [REDACTED] ўша ерда туриб, уларнинг суҳбатига аралашмаганлиги, “Зиёд” исмли шахснинг таклифига рози бўлиб, уни кўрсатмасига асосан 1.100.000 сўмни [REDACTED] берганлиги, шундан сўнг тахминан 30 дақидан кейин “Зиёд” ўзининг шимини чўнтагидан 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасида бўлган 200 АҚШ долларини унга берганлиги, кейин уйига бориб 4 дона 50 АҚШ долларини кўздан кечириб ва АҚШ долларини ҳақиқий эканлигига шубҳа қилганлиги, валюта савдоси билан шуғулланувчи шахслар ушбу АҚШ долларлари қалбаки эканлигини айтишганлиги, шундан тахминан 4-5 кундан кейин совуқ кунларда 2022 йил январь ойида ўзининг ишлари билан Тошкент шаҳрига борганида Ўзбекистон Республикаси ДХХ райси номига ариза билан мурожаат қилиб, 4 дона 50 АҚШ долларини тезкор ходимларга тақдим қилганлиги, “Зиёд” исмли шахснинг фамилияси ва унинг яшаш манзилини билмаслиги, дастлабки тергов даврида ўзининг аризаси ва кўрсатувларида 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасидаги жами 200 АҚШ долларини айнан “Зиёд” исмли шахсдан сотиб олганлиги ҳақида берган кўрсатувлари [REDACTED] айнан унга қалбаки 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасидаги жами 200 АҚШ долларини берганлигини ҳам инкор этади.

Чунки, бу ҳолат юзасидан дастлабки терговда гумонланувчи [REDACTED] батафсил сўроқ қилинмаган ва гувоҳ [REDACTED] билан ҳам юзлаштириш ҳаракати ўтказилмаган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун ва Олий суд Пленуми қарорлари



тушунтиришларига риоя қилиб ҳамда суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, ушбу иш бўйича судланувчи Н.Рахимованинг фуқаро [] 2022 йилнинг январ ойида қонунга хилоф равишда қалбаки 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасидаги жами 200 АҚШ долларини 1.100.000 сўмга сотиб ўтказган айблови бўйича ЖПК 81-моддасига амал қилинмаган ҳолда ашёвий далил тариқасида олинган 4 дона 50 АҚШ доллари купюраси қайси манбалардан олинган бўлганлиги, уни далил сифатида олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилмаган деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95¹-моддасига кўра, далилларни тўплашда фуқаро Ў.Хожимаров гумонланувчи [] қалбаки ҳисобланган 4 дона 50 АҚШ доллари купюраларини сотганда ушланмаганлиги ва воқеа жойида ундан ашёвий далил тариқасида олинмаганлиги, фуқаро [] орадан 4 ойлар ўтгандан сўнг ариза билан мурожаат қилишини шубҳали ҳолатлар деб ва судланувчи [] қонунга хилоф равишда қалбаки чет эл валютасини сотиб ўтказганлигини номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан, фақат гувоҳ [] суриштирувдаги аризаси ва дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинганлиги сабабли ишга қўшилган қалбаки 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасини ашёвий далил тариқасида ишга қўшилиб ва олиншини ишончга сазовар бўлмаган номақбул далил деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, бундай ҳолатларда судланувчи [] қалбаки чет эл валютасини қонунга хилоф равишда ўтказиш бўйича айбдорлигига оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаганлиги сабабли унинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигини эътиборга олиб, [] ҳаракатида бир гуруҳ шахслар томонидан фуқаро [] чет эл валютаси бўлган қалбаки 4 дона 50 АҚШ доллари купюрасини қонунга хилоф равишда ўтказганлиги исботланмаганлиги ва далиллар мавжуд эмас деб ва уни ушбу айблов бўйича қўйилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбсиз деб топишни ва қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли бу қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига асосан реабилитация қилишни лозим, деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича терговчининг 2022 йил 13 августдаги жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш ва жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорига асосан янги ҳолат тариқасида [], “Али” исмли шахс ва бошқаларга нисбатан бўлган қисмини жиноят иши қўзғатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан алоҳида иш юритувга ажратилганлигини ва унга алоҳида рақам берилганлигини эътиборга олади (ж.и. 2-ж. 121-123-в).

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар [] ва [] фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан фуқаро [] жуда кўп миқдора бўлган 110.000 АҚШ доллар (*банк маълумотига кўра 2022 йил 7 майда 1 АҚШ доллари 11.115.90 сўмга тенг бўлган ҳолда 1.222.749 сўм*) ини олган пайтда ушланиб ва улардан 110.000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олинганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.



3-қисмига биноан, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

Ишда тўпланган ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, 3 [REDACTED] Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган “Чинни бозори” олдида [REDACTED] 110.000 АҚШ доллар (банк маълумотига кўра 2022 йил 7 майда 1 АҚШ доллари 11.115.90 сўмга тенг бўлган ҳолда 1.222.749 сўм) ини 1.000.000 АҚШ долларини сотиб олиш учун берган вақтида, [REDACTED] ушланиб ва улардан 110.000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олиниб, улар фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан фуқаро [REDACTED] жуда кўп миқдорда бўлган мулкни кўлга киритганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тезкор ходимлари томонидан ҳодиса содир бўлган жойда ушланиб, уларни қасддан содир этаётган жинояти ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатиб қолиниб ва ушбу жинояти охирига етказилмаган, яъни улар ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш ёки тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаган.

Бундай ҳолатда, суд юқорида қайд этилган Қонун талабига риоя қилиб ва судланувчилар [REDACTED] фуқаро [REDACTED] жуда кўп миқдорда бўлган 110.000 АҚШ доллар (банк маълумотига кўра 2022 йил 7 майда 1 АҚШ доллари 11.115.90 сўмга тенг бўлган ҳолда 1.222.749 сўм) ини фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан кўлга киритганда, жинояти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан, жиноят содир этишга суиқасд қилганликда, уларнинг ушбу жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК ЖК 25-модда, 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандига қайта малакалашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Суд, ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарарни йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорини 3-бандига мувофиқ, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд, юқоридаги мазкур Қонун талабига ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] жиноятни қасддан паст ниятларда содир қилганлигини жазосини қисман оғирлаштирувчи ҳолат деб ва унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, турмуш ўртоғидан ажрашган бўлиб, оилавий шароити оғир бўлган ҳолда қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ва ундан бир нафари ногиронлигини, жиноят оқибатида жабрланувчига моддий зарар етказилмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, уни келажакда жамиятдан ажратмаган ҳолда меҳнатга мажбуран жалб қилган ҳолда ахлоқан қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан жиноят содир этган моддаси қисмида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим, деб топади.

Суд, юқоридаги мазкур Қонун талабига ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] жиноятни қасддан паст ниятларда содир



қилганлигини жазосини қисман оғирлаштирувчи ҳолат деб ва унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланганлик ҳолати тугалланганлигини, оилалик бўлиб ва қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, жиноят оқибатида жабрланувчига моддий зарар етказилмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, уни келажақда жамиятдан ажратмаган ҳолда меҳнатга мажбуран жалб қилган ҳолда ахлоқан қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан жиноят содир этган моддаси қисмида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим, деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида, иш бўйича олинган ашёвий далилларни муҳокама қилиб, дастлабки терговда терговчининг 2022 йил 13 августдаги қарорига асосан ашёвий далил тариқасида олиниб ва ишга қўшилган Х.Турғуновдан олинган “Редми нот 8” русумли уяли алоқа телефон воситасини унинг ўзига қайтаришни, қалбаки 4 дона 50 купюралик MB73753468A, MB 73729953A, KB48244956L, JB13501404A серия рақамли (200) АҚШ долларларини йўқ қилишни, шунингдек “DVD” дискка ёзилган аудио ҳамда видео ёзувлар жиноят ишига қўшилмаганлигини эътиборга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26, 454-460, 463, 465, 472, 473, 474-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбсиз топилсин ва ушбу жиноий қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация этилсин.

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, 2022 йил 11 августдан 2022 йил 11 ноябрга қадар 93 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, унга ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой 21 (йигирма бир) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Унга тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлари органлари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталсин ва жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини амалга ошириш маҳкумнинг яшаш жойи бўйича Андижон вилояти, Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

нисбатан дастлабки терговда қўлланилган қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод қилинсин.



Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, [REDACTED] г 2022 йил 11 августдан 2022 йил 11 ноябрга қадар 93 кун қамокда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, унга ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой 21 (йигирма бир) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Унга тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлари органлари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталсин ва жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини амалга ошириш маҳкумнинг яшаш жойи бўйича Андижон вилояти, Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] нисбатан дастлабки терговда қўлланилган қамокда сақлаш эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залида қамокдан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ушбу жиноят иши бўйича терговчининг 2022 йил 13 августдаги қарорига асосан ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақидаги қарорига асосан [REDACTED] олинган “Редми нот 8” русумли уяли алоқа телефон воситаси унинг ўзига қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида ишга қўшилган қалбаки 4 дона 50 купюралик MB73753468A, MB 73729953A, KB48244956L, JB13501404A серия рақамли (200) АҚШ долларлари йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикояти ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкумлар томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилоят судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи [REDACTED]

